



Малика Носирова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Мумтоз шарқ филологияси ва манбашунослик
кафедраси мудири, филология фанлари номзоди

ХІ – ХІІІ АСРЛАРДА АНДАЛУЗИЯДА АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ

ХІ асрда Кордова халифалиги кулаганидан кейин ҳам Андалусиянинг Шарқ билан маданий алоқалари давом этаверган. Испаниялик машҳур тилшунос ва адабиётшунос Ибн Бассам (480/1087 – 542/1147) «Захира» номли асарининг 4-жилдида Машриқ давлатларидан Андалузияга ташриф буюрган шахсларнинг рўйхатини келтирган. Андалуз олимларининг бошқа асарларида эса Андалузиянинг мусулмон дунёсининг йирик марказлари билан яқин алоқалари ХІІ – ХІV асрларда ҳам давом этганлигини тасдиқловчи маълумотлар бор. Тарихий далиллар араб Испаниясига Шарқнинг кучли таъсири бўлганлигига гувоҳлик беради. Ироқ, Сурия, Арабистон, Миср ўлкаларидан қайтаётган андалузияликлар ёки Машриқ давлатларидан Испанияга келаётган саёҳатчи олимлар, адабиётчилар, шоирлар ўзлари билан йирик-йирик шарқ муаллифларининг илм-фаннинг турли соҳаларига оид асарларини олиб келганлар. Булар орасида филологияга оидлари кўпчиликни ташкил қилган. Жумладан, машҳур филолог Абу Али Қалий (289/901 – 357/967) Испанияга 941 – 942 йиллари 40га яқин шарқ поэзияси намунаси бўлган девонларни олиб келган.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Андалузияда давлат бошқарувида юқори лавозимни эгаллаш учун араб тили ва мусулмон маданиятини чуқур билиш талаб қилинган. Испаниянинг машҳур тарихчиси Ибн Саид (611/1214 – 685/1286)нинг хабар беришича, «котиблик санъати» жуда жиддий баҳоланган. Андалузия аҳолиси бу ном эгасининг фазилат-

ларини саралашни яхши кўрганлар. Бордию бирор бир арзимаган камчиликни сезсалар, котибнинг саройда эгаллаган лавозимида ҳам, насл-насабига ҳам қарамасдан хато ва камчилигини айтиб изза қилганлар. Ҳақиқий билимга эга бўлган танқидчилар эса сарой адиби ўрнига даъво қилаётган даъвогарларнинг асарларини жиддий филологик таҳлил қилганлар. Улар юқори стандартлардан чекинишларни қидирганлар. Ўрнатилган, яъни қабул қилинган нормаларга риоя қилмасликни «мактаб кўрмаганлик» деб, мазах қилганлар. Шунинг учун ҳам олим, шоир ёки котиб номига муносиб бўлиш учун катта билим, яъни мумтоз араб тилини мукаммал билиш талаб қилинган.

Бу даврга келиб Андалузияда араб тилшунослиги ва луғатшунослиги билан шуғулланиб шухрат қозонган олимлар етишиб чиққан. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Зубайдий. Асли Яманнинг Зубайд қабиласидан бўлган бу тилшунос Севиляда таваллуд топган. Бошланғич билимни отасидан олган, сўнгра Кордовада Абу Али Қолий ва Муҳаммад ибн Яхё Раббаҳий ва бошқалардан дарс тинглаган. Наҳв ва луғат илмида ўз даврининг ягонаси бўлиб етишган. Мустансир Биллоҳ ўз ўғли тарбиясини унга ишониб топширган. Зубайдий наҳв, сарф, луғат ва тилшунослар биографиясига оид асарлар ёзиб қолдирган. Улар: «Ал-вадиҳ фи ан-наҳв», «Абниятун ал-асма фи ас-сарф», «Истидрок ал-айн фи ал-луға», «Табақат ан-наҳвиййин ва ал-луғавиййин фи ат-таражим» ва бошқалар. Абу Бакр Зубайдий 379/989 й. Кордовада вафот этган.

Ал-Аълам – Абу Бакр ал-Ҳажжож ибн Сулаймон «Ал-Аълам» номи билан довруғ қозонган. Андалузиянинг ғарбида жойлашган Санта Марияда туғилган. Кордовага сафар қилган ва у ерда Иқлилий ва бошқалар билан учрашган. Хотирасининг кучлилиги билан машҳур бўлган. Наҳв ва адаб илмида илгарилаб кетган. Ал-Аълам Зужажийнинг «ал-Жумал» асарига шарҳ, Сибавайҳи китобининг шарҳларига хошия, «Девону зуҳайр», «ал-Ҳамаса» ва бошқа асарлар ёзган. Ал-Аълам 476/1083 й. Севиляда вафот этган.

Ибн Сайид Баталявсий – Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ас-Сайид – «Баталявс» деган жойда туғилган. Барча илмларда тўлиб-тошган Валенсияни ватан қилиб, шу ерда илмини мукаммал даражага келтирган. Бир муддат Кордова ҳокимининг уйида яшаган. Ибн Сайиднинг кўп сонли асарлари орасида қуйидагилар наҳв илмига оид: «Ал-масаил ал-мансура», «Ислаҳу ал-халал ал-вақиъ фи ал-жумал», «Ал-халал фи шарҳ абят ал-жумал». Ибн Сайид 521/1127й. Валенсияда вафот этган.

Ибн ат-Таррова – Абу ал-Ҳусайн Сулаймон ибн Муҳаммад Малтада таваллуд топган. Кордовага сафар қилиб, у ерда ал-Аъламда Сибавайҳининг «ал-Китоб»ини тинглаган, бошқа наҳвчилардан ҳам илм олган. Натижада зўр тилшунос бўлиб етишган. Тўғарақларда катта-катта гуруҳлар ундан сабоқ олган. Сибавайҳининг асарини жуда мукаммал ўрганган ва ҳатто ундан камчилик топишдан кўркмаган («Наът» бобида ғализлик борлигини кўрсатган). Унинг «ал-Муқаддима ала китаб Сибавайҳ» ва «ат-Тарших» номли наҳвга оид асарлари бўлган. Ибн Таррова 528/1133 й. Малтада оламдан ўтган.

Ибн ал-Базиш – Абу ал-Ҳасан Али ибн Аҳмад Гренадада туғилган. Ёшлик чоғидан барча илмларни ўрганишга имконияти бўлган. Шариат ва араб илмларини мукаммал эгаллаган. Айниқса, наҳв илмига ўзини фидо қилган, энг машҳур асарларни шарҳлаган. Жумладан, Сибавайҳининг «Ал-китоб», Ибн ас-Саррожнинг «ал-Усул», Мубарраднинг «ал-Муктадаб», Форсийнинг «Ал-ийдах», Зужажийнинг «ал-Жумал», ан-Нассахнинг «ал-Кафий» асарларига шарҳ ёзган. Ибн ал-Базиш 538/1143 й. Гренадада вафот этган.

Лахмий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳишом Лахмий (ваф. 570/1174 й.)

– шариат ва араб тилининг асосини мукаммал эгаллаган. Наҳвга оид «Китаб ал-фусул» ва «ал-Жумал» асарларини таълиф қилган. «Ал-Хидаб» лақаби билан машҳур бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тохир (ваф. 580/1184 й.) эса асли Севиляда туғилган, бироқ Марокашга сафар қилиб Фес шаҳрида қўним топган ва умрининг охиригача ўша шаҳарда истиқомат қилган. У ерда Сибавайҳининг «ал-Китоб»идан сабоқ берган. Номи тилларда дoston бўлган.

Суҳайлий – Абулқосим Абу Зайд Абдурахмон ибн Абдуллоҳ Малтада таваллуд топган. Ибн Таррова ва бошқалардан дарс тинглаган. 17 ёшида кўзи ожиз бўлиб қолган бу инсонга Аллоҳ илми кўзларига нур қилиб берган. Суҳайлий беназир олим бўлиб етишган ва бир қанча китоблар ёзиб қолдирган. У 583/1187 й. Марокашда вафот этган.

Ибн ал-Мадо – Ал-Аббос Аҳмад ибн Абдурахмон Лахмий Қуртубий илмга муҳаббатли оилада вояга етган. Ўз билимларини ошириш мақсадида Севиляга борган. У ерда Ибн ар-Раммакда Сибавайҳининг «ал-Китоб»ини ўқиган, наҳв, луғат ва адабга оид кўплаб китобларни ўрганган. Усул илмидан ҳандасагача мукаммал эгаллаган, ўз асрининг яғонаси бўлиб етишган. Муваҳҳидинлар давлатининг амиралмўминини Юсуф ибн Абду-л-мўмин даврида қозилар раёсатини бошқарган. Унинг наҳвга оид китоблари: «ал-Машриқ фи ан-наҳв», «ар-Ридду ала ан-нуҳхат», «Танзийҳу ал-Қуръан амма ла ялиқ би-л-баян», «Танзийҳу аъиммати ан-наҳв амма насаба илайҳи мин ал-хатаи ва ас-сахви» ва бошқалар. Ибн ал-Мадо 592/1195й. Севиляда оламдан ўтган.

Жазулий – Абу Мусо Ийсо ибн Ялалбахт (ваф. 605/1208й.) – Марокашдаги бербер қабилаларидан бири бўлган Жузула қабиласидан. Марокашда вояга етган. Ҳаж сафари давомида Мисрга ҳам кирган, у ерда Ибн Баррийдан наҳвни ўрганган, Зужажийнинг «ал-Жумал» асарини ўқиган, баҳс-мунозараларда иштирок этган, ўз билими ва иқтидорини намойиш этган. Наҳв илмига оид катта ҳажмдаги «ал-Муқаддама» асарини ёзган. Сўнгра Мағрибга қайтган. Одамлар унинг илмидан баҳраманд бўлганлар.

Ибн Харуф – Абу ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳадрабий Ишбилиий (ваф. 610/1213й.). Ёшлигидан илмга чанқоқ Ибн Харуф Ибн Тохир кўлида сабоқ олади ва араб

илмларида кучли олим бўлиб етишади. Нахвга оид асарлар таълиф қилади. Улардан машхурлари: «Шарҳ китаб Сибавайх», «Шарҳ ал-жумал ли-Зужажий».

Шалубиний – Абу Али Умар ибн Муҳаммад (ваф. 645/1247й). У «Шалубиний» номи билан машхур бўлган. Унинг туғилган ва вафот этган шаҳри Севиля. Шалубиний Сухайлий, Жазулий ва бошқалардан сабоқ олган, машхур тилшунос бўлиб етишган. Ўз даврида Андалусия нахвчиларига бошчилик қилган. Асарлари: «ат-Тавтиату», «ат-Таълийқ ала китаб Сибавайх» ва бошқалар.

Ибн Хишом Хадравий – Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Яҳё Хазражий – ал-Хадра оролидан. У Ибн Харуф ва бошқалардан сабоқ олган. «ал-Ийдаҳ» асарини мукаммал ўрганиб унга турли шарҳ ва асарлар ёзган. Масалан, «ал-Ифсаҳ би-фаваид ал-ийдах», «ал-Иқтирах фи талхис ал-ийдах», «Гуар ал-исбах фи шарҳи абят ал-ийдах». Хадравий 646/ 1248й. Тунисда вафот этган.

Ибн ал-Ҳаж – Абу ал-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад (ваф. 647/1249 йил). Араб илмларида мохир инсон, кўплаб нахв илмига оид асарлар муаллифи бўлган. У Шалубинийда таълим олган. Унинг «Имлау ала китаб Сибавайх», «Мухтасар ал-хасаис ли Ибн Жинний», «Шарҳ ал-ийдах» каби рисоалари мавжуд.

XIII асрнинг машхур тилшунос олимларидан бири Андалузийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад ал-Қосим Аламиддин Луракий ибн

Аҳмад бўлиб, у Мурсияда туғилган ва таълим олган, Валенсияга ҳам тез-тез қатнаб, у ердаги олимлардан ҳам нахв илмини ўрганган. Ибн аш-Шарик, Ибн Нўх, Жазулий ва бошқалар унга устозлик қилганлар. Мисрга сафар қилган, у ердан Дамашққа борган ва Тожиддин Киндийда Сибавайҳининг «ал-Китоб»ини ўқиган. Абу ал-Бақо Акбарийнинг тўғарагига қатнаган. Ҳалабга қайтган ва Шомда яшаб қолган. Уни доим илми ва маърифатидан баҳраманд бўлишни истаган инсонлар қуршаб турган. Кўп сонли асарлар таълиф қилган. Улардан нахвга оид «Шарҳ муқаддамати ал-Жазулий» ва «Шарҳ ал-Муфасссал» асарларини айтиш мумкин. У Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфасссал» асарига шарҳ ёзган биринчи андалузиялик тилшунос эди. Абу Муҳаммад Андалузий 661/1262 й. Дамашқда оламдан ўтган.

Ибн Усфур – Абу ал-Ҳасан Али ибн Мўмин Ишбилий (ваф. 663/1264 й.) араб нахвига оид билимларни Ад-Дибаж ва Ибн Харуф Ишбилийдан олган. Мутолаа қилишда энг сабрли кишилардан эди. Андалузия шаҳарларида нахв илмини кенг тарқатишда катта хизмат қилган. Унинг нахвга оид асарлари: «ал-Макраб» ва унинг шарҳи, «Мухтасар ал-мухтасиб ли Ибн Жинний», Зужажийнинг «ал-Жумал» асарига урта катта шарҳ ёзган.

Ибн Молик – Андалузия араб тилшунослик мактабининг ёрқин вакили, ажойиб тилшунос олим Абу Абдуллох Муҳаммад Жамолиддин ибн Абдуллох Тоний Андалузиянинг



Жайён шаҳрида туғилган. Нахвга оид дастлабки билимларни Шалубинийдан олган. Кейинчалик Машрикқа ҳаж сафарига борган ва Шомда яшаб қолган. У Дамашқда Сахавийдан, Ҳалабда Ибн Яъиш Ҳалабийдан сабоқ олган. Араб тилшунослигига оид китоблар билан тўлиқ танишиб чиқиш учун бир муддат Ҳалабда қолган. Дамашқда муқим яшаган. У хотирасининг кучлилиги билан одамларни ҳайратга солар эди. Сўзларини Қуръон оятлари билан далиллар, бордию мисол тополмай қолса, хотирасида мухрланиб қолган араб шеърларидан парчалар келтирар эди. Асарларини назм ва насрда бирдек ёзар эди. Унинг нахвга оид «ал-Кафия аш-шафия» асари назмда ёзилган. Мазкур асар Ибн Молик араб нахвида нимани ўқиган, эшитган, билган ва шарҳлаган бўлса, барчасини ўзида мужассам қилган. «ал-Кофия аш-шафия»нинг қисқартирилган кўриниши бўлган «Алфия» асарининг доврўғи эса уфқни куюқ булут каби қоплаган эди. У жуда кўп тилларга таржима қилинган, унга сон-саноксиз шарҳлар ёзилган. Мисол учун, Ибн Ақийл, Ашмуний, Ибн Нозим ва Муродийнинг шарҳларини келтириш мумкин. Насрда ёзилган асарларидан «ал-Фаваид», «Ташийл ал-фаваид ва такмийл ал-мақасид» ва ҳ.к. Ибн Моликнинг асарлари ва фикрларига Мағрибу Машрик уламолари бирдек эргашганлар. Доймо рост ва тўғри сўзловчи Ибн Молик 672/1273 й. Дамашқда вафот этган.

Ибн ад-Даъ – Абу ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Ишбилий Катамий (ваф. 680/1281й). Сибавайҳининг «ал-Китоб»ини ўқиб ва тинглаб араб нахвида олим бўлиб етишган. Кейинчалик ўзи ҳам «ал-Китоб»га оригинал шарҳ ёзган. Бунда у Сайрафий ва Ибн Харуфнинг шарҳидан гўзал қисқартмалар олиб шарҳлаган. Андалузия ва Мағриб уламолари аввал учратмаган нахв илмига оид ажиб каломлар билан Сибавайҳи асаридаги қийин масалаларга енгиллик берган. Шунингдек, Зужажийнинг катта «ал-Жумал» асарини ҳам шарҳлаган.

Ибн Аби ар-Рабиъ – Абу ал-Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Ишбилий (ваф. 688/1289 й.) араб тили грамматикасини ўрганиш мақсадида Ад-Дибаж ва Шалубиний билан кўришган, кейинчалик Франция истило этилгач, Севиляни тарк этган ва дам олиш учун Францияга бориб ўша ерда қолган. Ўта мазмунли асарлар ёзган. Улардан нахвга тааллуқлилари Сибавайҳининг «ал-Китоб» ва Зужажийнинг «ал-Жумал» асарига ёзилган шарҳлар.

Абу Ҳайён – Муҳаммад Асириддин ибн Юсуф Ғарнатий Гренадининг четроғида жойлашган «Матахариш» деган жойда туғилган. Илм олиш ниятида кўпгина тилшунос олимлар билан кўришган, улардан сабоқ олган. Ватанни тарк этиб Машрик ва Мағриб ерларига кетган. Йўлида учраган олимлардан илм ўрганган. Ниҳоят, Қоҳирада кўним топган ва Ибн ан-Наххосдан таълим олган. Жуда кўп асарлар ёзган, улардан нахвга оидлари: «ат-Тазийил ва ат-такмийл фи шарҳи ат-ташийл» ва унинг қисқартирилган кўриниши «Иртишаф ад-дараб мин лисан ал-араб». Абу Ҳайён устози Ибн ад-Даъ изидан бориб ҳадисларни далил-исбот тариқасида келтиришга қарши бўлган. Шу сабабли «ат-Ташийл» асарини шарҳлаганида Ибн Моликка қарши батафсил каломлар билан раддия билдирган. Абу Ҳайён 745/1344 й. Қоҳирада вафот этган.

Шатибий – Абу Ишқ Иброҳим ибн Мусо ибн Муҳаммад Лахмий Ғарнатий араб тили ва араб илмларини Мағрибнинг машҳур олимлари Абу ал-Қосим Сабатий, Абу Абдуллоҳ Таламмасаний, Муқрий, Ибн Лубб ва бошқалардан ўрганган. Олим бўлиб етишгач, бир-биридан ажойиб асарлар яратган. Улардан фикҳ усулига оид «ал-Муваффақат» асарини, нахв илмига оид Ибн Моликнинг «Алфия» асарига шарҳ ёзган. Шатибий 790/1388 й. Андалузияда оламдан ўтган.

Кейинги асрларда ҳам Андалузияда араб тили ва тилшунослиги билан шуғулланиш давом этган. Бу давр олимлари кўпроқ машҳур асарларни шарҳлаш, ҳошиялар ёзиш билан чегараланганлар. XVII – XVIII асрларда Испанияда луғатшунослик жуда ривожланган ва араб луғатшунослиги тарихида чуқур из қолдирган лексикограф олимлар ва катта ҳажмли луғатлар дунёга келган.

VIII аср бошларидан араблар истило-си натижасида Испанияга кириб келган араб тили «Андалузия» деб ном олган бу ўлкада Машрик давлатларидаги каби ўзининг бир неча босқичлардан иборат бўлган яна бир тараққиёт йўлини босиб ўтган. Араб тилининг Испанияда кенг ёйилиши, тараққий этиши, ривожланиши йўлида хизмат қилган тилшунос олимлар, уларнинг анъаналари, ташкил қилган тўғарак ва мактаблари, меҳнатларининг маҳсули бўлган илмий асарлари жамланиб араб тилшунослиги тарихида «Андалузия тилшунослик мактаби» номи билан қолган.